2026-YIL – MAHALLANI RIVOJLANTIRISH VA JAMIYATNI YUKSALTIRISH YILI

Qishloq hayoti

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETASI

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2026-yil 5-noyabr, payshanba

47 (9419)

t.me/Qishloqhayoti_gazetasi



TOSHKENTDA IX XALQARO ECOSA URUG‘CHILIK KONGRESSI BO‘LIB O‘TDI

Yaqinda poytaxtimizda Iqtisodiy hamkorlik tashkiloti urug‘chilik assotsiatsiyasi (ECOSA)ning IX xalqaro urug‘chilik kongressi bo‘lib o‘tdi. Unda ECOSAga a’zo 10 ta davlat – O‘zbekiston, Afg‘oniston, Ozarbayjon, Eron, Qozog‘iston, Qirg‘iziston, Pokiston, Tojikiston, Turkiya va Turkmaniston vakillari, xalqaro tashkilotlar, olimlar, tadbirkorlar va investorlar ishtirok etdi.

Kongressni O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligi vaziri Ibrohim Abdurahmonov ochib berdi. U urug‘chilikning qishloq xo‘jaligidagi strategik ahamiyatini ta’kidlab, yuqori hosildor va sifatli urug‘lik navlarini yaratish, ilm-fan yutuqlarini amaliyotga joriy etish hamda xalqaro hamkorlikni kengaytirish muhimligini qayd etdi.



Tadbirda Iqtisodiy hamkorlik tashkiloti Bosh kotibiyati vakili Can Aygün va ECOSA boshqaruv kengashi raisi Yıldıray Gencer ham ishtirok etdi.

Kongress doirasida a’zo davlatlarning urug‘chilik sohasidagi tajribasi va rivojlanish istiqbollari taqdim etildi. Xalqaro urug‘lik sinovlari assotsiatsiyasi (ISTA) vakili Andreas Wais tashkilotning ECOSAga a’zo davlatlar uchun ahamiyati, Iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashkiloti (OECD) vakili Bianchi Pier Giacomo esa urug‘lik sertifikatlash sxemalari haqida ma’ruza qildi.

O‘zbekiston tajribasini «O‘zagroinspeksiya» qoshidagi Qishloq xo‘jaligi mahsulotlari sifatini baholash markazi davlat muassasasi direktori Jahongir Karimov hamda Urug‘chilikni rivojlantirish markazi direktori Shuhrat Otajonov taqdim etdilar. Ma’ruzalarda urug‘lik sifatini baholash, laboratoriyalar faoliyati, QR-kodli yorliqlash, urug‘lik tayyorlash korxonalari, innovatsion texnologiyalar va xalqaro hamkorlik masalalari yoritildi.

Kongress doirasida urug‘chilik sohasidagi hamkorlikni rivojlantirishga qaratilgan ikkita memorandum imzolandi. Qishloq xo‘jaligi mahsulotlari sifatini baholash markazi va ECOSA o‘rtasidagi memorandum a’zo davlatlarda QR-kodli yorliqlash tizimini joriy etishga, Urug‘chilikni rivojlantirish markazi va ECOSA o‘rtasidagi kelishuv esa gibrid urug‘chilikni rivojlantirish hamda seleksiya yutuqlaridan hamkorlikda foydalanishga qaratildi.

Tadbirning muhim amaliy yo‘nalishlaridan biri xalqaro B2B biznes uchrashuvlari bo‘ldi. Ularda O‘zbekiston tomonidan 200 dan ortiq urug‘chilik xo‘jaliklari, klasterlar, fermerlar, ilmiy-tadqiqot institutlari, investorlar hamda xorijiy hamkorlar ishtirok etdi.

(Davomi 2-sahifada)

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

“АҚЛЛИ” КЎЧАТХОНАЛАР ЎРМОНЛАРНИ ТИКЛАШ ВА ЯШИЛ ҲУДУДЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Табиатни асраш, ўрмонзорларни кенгайтириш, яшил ҳудудларни кўпайтириш ҳамда иқлим ўзгариши оқибатларига қарши курашиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидандир. Бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, халқаро ҳамкорлик лойиҳалари ва замонавий технологияларнинг жорий этилиши муҳим аҳамият касб этмоқда.





Ана шундай эзгу мақсадлар йўлида Пискент туманида яна бир муҳим экологик лойиҳа амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳузуридаги Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги ҳамда Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) ҳамкорлигида “Ақлли технологиялар асосида Тошкент вилоятида ўрмон ва шаҳар ҳудудларини кўкаламзорлаштириш” лойиҳаси доирасида замонавий кўчатхоналар фойдаланишга топширилди.

(Давоми 2-саҳифада)

“ЎЗАГРОЛИЗИНГ” АЖ: ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ФЕРМЕРЛАР ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Ҳар бир мўл ҳосил ортида машаққатли меҳнат, ўз вақтида бажарилган агротехник тадбирлар ва замонавий технологиялар туради. Далага кириб келган ҳар бир янги трактор, экинларни аниқ ва сифатли экадиган ҳар бир сеялканинг ортида эса деҳқон меҳнатини енгиллаштириш, вақтни тежаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган катта мақсад мужассам.

Қишлоқ хўжалигини техник модернизация қилиш, фермер ва деҳқон хўжаликларининг имкониятларини кенгайтириш ана шу мақсадларнинг энг муҳимларидан биридир. “Ўзагролизинг” акциядорлик жамиятининг 27 йиллик фаолияти ҳам айнан шу эзгу вазифалар билан чамбарчас боғлиқ.

Йиллар давомида жамият аграр тармоқни замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш, лизинг хизматлари орқали ишлаб чиқарувчиларнинг техник имкониятларини кенгайтириш ва соҳада механизация жараёнларини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бугун ортга назар ташлар эканмиз, бу йўлни фақат рақамлар билан эмас, балки йиллар давомида шаклланган тажриба, кенгайган имкониятлар ва олдинга интилиш билан ҳам баҳолаш мумкин.

“Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти томонидан 2001–2026 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга жами 104 739 дона қишлоқ хўжалиги техникаси лизинг асосида етказиб берилди.

(Давоми 2-саҳифада)



ГМО маҳсулотлар зараррлими?

Бозор ёки маркетларда озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олаётганимизда “ГМОли ёки ГМОсиз” деган ёзувларга, албатта, кўзимиз тушган. Истеъмолчиларда генетик ўзгартирилган озиқ-овқатларга шубҳа билан қараш мавжуд. Фан тараққий этиб дунёда генетик таҳрирланган озиқ-овқатлар ҳам аллақачон етиштирила бошланди. Улар ГМО маҳсулотларидан маълум фарқларга эга.

Фермерлар узоқ вақт маҳсулотларнинг янги ва самарали навларини яратиш учун табиий чатиштириш усулларидан фойдаланиб келган. Масалан, катта ва мазали карамга эга бўлиш учун катта, лекин унчалик мазали бўлмаган карам ва кичикроқ, бироқ мазали карам чатиштирилган ҳамда мукаммал маҳсулотга эришишга ҳаракат қилинган. Бироқ табиий усулда бунга эришиш – минглаб генларни карамлардан ажратиб олишдан иборат анча йиллаб муддат талаб этадиган жараён бўлган. Генетик усуллардан фойдаланиш эса селекционерларга маҳсулотдан тасодифий элементларни осон ўчириш имконини берган. Генетик усул билан қайси генлар мазага, қайсиси, ҳажмга жавоб беришини аниқлаш мумкин ва тезроқ, самаралироқ тарзда генларни ўз ўрнига қўйиш имкони мавжуд бўлади.

Қандай генетик технологиялардан фойдаланилади?

Генетик модификация. Бу усулдан дунёнинг аксар давлатларида 20 йиллардан буён фойдаланиб келинади. Модификация (ГМО) усулида ўсимликка бошқа турдаги ўсимлик ва ҳатто ҳайвон ДНКси ҳам қўшилиши мумкин. Бу усул орқали табиий чатиштириш йўли билан яратиб бўлмайдиган янги навлар ва турлар пайдо бўлади.

Сисгениз. Бунда ўсимликка жуда яқин бўлган навларнинг генидангина фойдаланилади. Сисгениз усулида генларни ўзгартиришга унинг ёрдамида эришиладиган натижага табиий чатиштириш усули билан ҳам эришиб бўлса, рухсат берилади. Ундан ортиқ ҳолатда генларни ўзгартириш мумкинмас.

(Давоми 3-саҳифада)

КУЗГИ ШУДГОР БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Кузги шудгор натижасида бегона ўтлар йўқотилади, зараркунанда ҳашаротларнинг ғумбаклари ҳавосиз қуйи қатламга тушиб, нобуд бўлади, тупроқнинг ҳаво алмашиш ва иссиқлик режими яхшиланади, ёғингарчиликлар тупроққа тўлиқ сингиб, табиий намлик ҳосил бўлади.



Республикамизда 2 мингдан ортиқ ерлар шамол эрозиясига чалинган. Шудгор ўтказишда чанг-тўзонларнинг олдини олиш долзарб вазифаларидан бири бўлиб, бу фермер хўжаликлари ва барча ердан фойдаланувчилардан катта масъулият талаб этади.

Ўз вақтида, чуқур ва сифатли ўтказилган шудгор келгуси йил ҳосилига пухта замин яратади. Сифатли ва чуқур шудгорланган майдонларда шўр ювиш, яхоб суви бериш, эрта баҳорда тупроқни экишга тайёрлаш ҳамда экиш каби агротехник тадбирларни самарали ўтказишга эришилади. Натижада, экилган уруғлар қийғос ундириб олинади ва ниҳоллар баравж ривожланиб, кўп ҳосил тўплайди ва барвақт пишиб, етилади.

(Давоми 2-саҳифада)



TDAUda “Ma’rifat ulashib” loyihasi doirasida adabiy-ma’rifiy tadbir bo‘lib o‘tdi

Toshkent davlat agrar universitetida “Ma’rifat ulashib” loyihasi doirasida adabiy-ma’rifiy uchrashuv tashkil etildi.



Tadbirda Qishloq xo‘jaligi vaziri maslahatchisi Mizrob Buronov, O‘zbekiston Yozuvchilar uyushmasi a’zosi, shoira va jurnalist Zamira Ro‘ziyeva, shoir, dramaturg va ijodkor Doniyor Mirzo, shuningdek, “Qishloq hayoti” gazetasi bosh muharriri, jurnalist Chori Latipov hamda talaba yoshlar ishtirok etdi.

Uchrashuv davomida ijodkorlar talaba-yoshlar bilan adabiyot, ma’naviyat, ijod va hayotiy tajribalar yuzasidan samimiy suhbat qurib, o‘z fikr va mulohazalari bilan o‘rtoqlashdilar.

Tadbir davomida milliy qadriyatlarimizni aks ettiruvchi milliy somsa tayyorlash jarayoni ham tashkil etildi. Shuningdek, atrof-muhitni asrash, ekologik madaniyatni yuksaltirish va universitet hududini yanada obod qilish





maqsadida daraxt ekish tadbiri o‘tkazildi.

Mazkur tadbir adabiyot, ma’rifat, milliy qadriyatlar va ekologik madaniyatni o‘zida mujassam etgan mazmunli uchrashuv sifatida yodda qoldi.

TDAU axborot xizmati

ЯШИЛ ТАБИАТ – СОҒЛОМ ҲАЁТ, ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ – ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

Мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш, ёшларга замонавий касб-ҳунар ўргатиш, уларни меҳнат бозорида рақобатбардош мутахассислар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айниқса, экологик муаммоларни бартараф этиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳоли ўртасида экологик маданиятни юксалтириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Президентимизнинг шу йил 25 мартдаги қарори билан “Эко-маданият” умуммиллий лойиҳаси доирасида экологик таълим, илм-фан ва тарғиботни жадаллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар белгиланди. Мазкур қарор асосида 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб республиканинг ҳар бир ҳудудида “яшил” техникум фаолиятини йўлга қўйиш назарда тутилган. Бу эса касбий таълимни экологик барқарорлик билан уйғунлаштиришга муҳим қадамдир.

(Давоми 2-саҳифада)

"Ўзагролизинг" АЖ томонидан ҳудудларга лизинг асосида етказиб берилаётган замонавий ва унумдор қишлоқ хўжалиги техникалари далалардаги ишларни механизациялаштириш, терим жараёнларини жадаллаштириш ҳамда ҳосилни ўз вақтида йиғиб олишга хизмат қилмоқда



TOSHKENTDA IX XALQARO ECOSA URUG‘CHILIK KONGRESSI BO‘LIB O‘TDI

(Boshi 1-sahifada)

Muzokaralarda urug‘lik yetishtirish va qayta ishlash, zamonaviy texnologiyalarni joriy etish, savdo aloqalarini kengaytirish, investitsiyalarni jalb qilish va qo‘shma loyihalarni amalga oshirish masalalari muhokama qilindi. Uchrashuvlar yakunida mahalliy va xorijiy ishtirokchilar o‘rtasida hamkorlik kelishuvlariga erishildi.

Kongressning uchinchi kuni Samarqand viloyatida davom etdi. ECOSAga a’zo 9 ta xorijiy davlatdan tashrif buyurgan 130 nafarga yaqin urug‘chilik sohasi vakillari va tadbirkorlar “O‘zagroinspeksiya” huzuridagi Qishloq xo‘jaligi mahsulotlari sifatini baholash markazi davlat muassasasining Samarqand viloyati filialiga tashrif buyurdilar.

Tashrif davomida xorijiy mehmonlar filial faoliyati, urug‘lik mahsulotlari sifatini baholash yo‘nalishida amalga oshirilayotgan ishlar, laboratoriya imkoniyatlari va hududning salohiyati bilan tanishdilar. Urug‘lik sifatini baholash tizimi, zamonaviy yondashuvlar va kelgusidagi xalqaro hamkorlik imkoniyatlari yuzasidan fikr almashildi.

Shuningdek, Samarqand viloyati urug‘chilik boshqarmasi tomonidan taklif etilayotgan bug‘doy navlari, istiqbolli navlarni yetishtirish va urug‘lik mahsulotlari savdosini rivojlantirish masalalari muhokama qilindi. Tashrif markazning hududiy filiali faoliyatini xalqaro mutaxassislarga tanishtirish, tajriba almashish va xorijiy hamkorlar bilan professional aloqalarni kengaytirish uchun imkoniyat yaratdi. Tashrif yakunida ECOSA rahbariyatiga milliy qadriyatlarimiz ramzi sifatida Samarqand to‘ni va do‘ppisi sovg‘a qilindi.

IX xalqaro ECOSA urug‘chilik kongressi doirasidagi xalqaro taqdimotlar, imzolangan memorandumlar, B2B uchrashuvlari va Samarqand viloyatidagi amaliy tashriflar urug‘chilik sohasida tajriba almashish, xalqaro hamkorlikni mustahkamlash hamda sifatli urug‘lik yetishtirish va uning raqobatbardoshligini oshirishga qaratilgan yangi imkoniyatlarni namoyon etdi.

S.ISMOILOVA,
“O‘zagroinspeksiya” qoshidagi Qishloq xo‘jaligi mahsulotlari sifatini baholash markazi davlat muassasasi matbuot kotibi.

“ЎЗАГРОЛИЗИНГ” АЖ: ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ФЕРМЕРЛАР ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

(Боши 1-саҳифада)

Бу йиллар давомида шаклланган улкан техник таъминот кўлами. Замонавий техникаларнинг аҳамияти, айниқса, дала ишларининг тиғиз даврларида яққол намоён бўлади. Вақтнинг ҳар бир куни, агротехник тадбирларнинг ҳар бир босқичи ҳосилдорлик ва ишлаб чиқариш самарадорлиги учун муҳим. Шу боис, техникани ўз вақтида етказиб бериш билан бир қаторда, ундан самарали фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш ва молиявий мажбуриятларни оқилона бошқариш ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

27 йиллик фаолият давомида шаклланган тажриба жамият олдига янада муҳим вазифаларни қўймоқда: қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг эҳтиёжларига мос ечимлар таклиф этиш, техник таъминот имкониятларини кенгайтириш ва аграр тармоқнинг замонавий технологияларга бўлган талабини қўллаб-қувватлаш.

Техникани лизинг асосида етказиб бериш фақат машиналарни харид қилиш билан чекланмайди. Бу жараён пухта молиявий режалаштириш, барқарор ресурслар ва узоқ муддатли ҳамкорликни талаб этади. Шу маънода, жамиятнинг молиявий салоҳиятини мустаҳкамлаш аграр тармоқни техник таъминлаш имкониятларини кенгайтиришнинг муҳим шартидир.

2026 йил 1 октябр ҳолатига “Ўзагролизинг” АЖнинг лизинг портфели 8,7 триллион сўмни ташкил этди. 2025 йилнинг мос даврида бу кўрсаткич 6 триллион 505 миллиард сўм бўлган. Демак, бир йил ичида портфель ҳажми 134 фоизга ўсди. Жами активлари 9,3 триллион сўмга, устав капитали эса 1 триллион 16 миллиард сўмга етди. Ҳисобот даврида лизинг лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида тижорат банкларидан 45 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари жалб қилинди. Бу рақамлар фаолиятнинг молиявий кўламини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардир. Бироқ молиявий барқарорлик фақат портфель ёки активлар ҳажми билан белгиланмайди. Ресурслардан оқилона фойдаланиш, лизинг шартномалари бўйича тўлов интизомини таъминлаш ва молиялаштириш манбаларини мувозанатли шакллантириш ҳам узоқ муддатли ривожланишнинг муҳим омилларидир.

Бугунги аграр тараққиёт халқаро тажриба ва молиявий ҳамкорлик билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Замонавий техникаларни харид қилиш, лизинг лойиҳаларини молиялаштириш ва узоқ муддатли ривожланиш режаларини



амалга ошириш учун турли манбалардан ресурс жалб этиш муҳим аҳамиятга эга. Шу йўналишда Жаҳон банки, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги – ЖИСА, Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда Хитой Эксимбанки каби молиявий ҳамкорлар билан боғлиқ лойиҳалар жамиятнинг молиялаштириш имкониятларини кенгайтириш жараёнида муҳим ўрин тутади. Жумладан, 2024 йил учун 210 миллион АҚШ доллари, 2025 йил учун 222 миллион АҚШ доллари ва 2026 йил учун 200 миллион АҚШ доллари миқдоридаги молиялаштириш кўрсаткичлари қайд этилган. Уларнинг йиғиндиси 632 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Бу кўрсаткич жамият фаолиятида халқаро ва институционал молиялаштириш манбаларининг аҳамиятини кўрсатади. Бунда молиялаштириш ҳажми билан амалда ўзлаштирилган маблағлар ўртасидаги фарқни ҳисобга олиш, ҳар бир лойиҳа бўйича ресурсларнинг мақоми ва йўналтирилиш мақсадини аниқ белгилаш муҳимдир.

Халқаро ҳамкорлик доирасидаги яна бир муҳим йўналиш – “Жоҳн Деере Финансэ” компанияси билан 10 миллион евро миқдорида молиялаштириш бўйича эришилган келишувдир. Шунингдек, Хитой Эксимбанки ва Ислом тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан лизинг лойиҳаларини молиялаштириш бўйича қайта кредитлаш битимларини имзолаш режалаштирилган. Ушбу жараёнда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг кўмаги назарда тутилган.

Бундай ҳамкорликларнинг аҳамияти фақат молиявий ресурслар ҳажми билан чекланмайди. Улар лизинг лойиҳаларини узоқ муддатли режалаштириш, молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш ва техник таъминот учун қўшимча имкониятлар яратишга хизмат қилиши мумкин. Шу билан бирга, ҳар бир лойиҳа бўйича молиявий шартлар, маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги ва қайтариш мажбуриятлари пухта баҳоланиши лозим.

Ўтган йилларга назар ташлайдиган бўлсак, жамият томонидан 2024 йилда лизинг асосида 7 352 дона техника 2,5 триллион сўмлик қийматда етказиб берилган. 2025 йилда эса 5 358 дона техниканинг умумий қиймати 4,4 триллион сўмни ташкил этган.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 13 мартдаги “Аграр секторни замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашнинг навбатдаги чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, жорий йилда 800 дона пахта териш машинасини етказиб бериш белгиланган эди. Фермер хўжаликларининг талаб ва сўровларини инобатга олган ҳолда, жорий йил давомида 957 дона замонавий пахта териш машиналари лизинг асосида етказиб берилди. Умуман олганда, республикада мавжуд 2 749 дона пахта териш машинасининг 2 231 донаси “Ўзагролизинг” АЖ томонидан етказиб берилган.

Жорий йил пахта терим ҳажмининг 80 фоизи механизациялашган терим ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу натижалар ортида фермерларнинг машаққатли меҳнати билан бир қаторда, қишлоқ хўжалигида замонавий техникалардан самарали фойдаланиш ҳам муҳим ўрин тутади. “Ўзагролизинг” АЖ томонидан ҳудудларга лизинг асосида етказиб берилаётган замонавий ва унумдор қишлоқ хўжалиги техникалари далалардаги ишларни механизациялаштириш, терим жараёнларини жадаллаштириш ҳамда ҳосилни ўз вақтида йиғиб олишга хизмат қилмоқда.

2026 йил 1 октябр ҳолатига “Ўзагролизинг” АЖ томонидан республика ҳудудларига умумий қиймати 2 триллион 821 миллиард 180,1 миллион сўмлик жами 2 984 дона қишлоқ хўжалиги техникаси етказиб берилди. Мазкур кўрсаткичлар жамият томонидан фермер хўжаликлари ва агрокластерларнинг техник таъминотини яхшилаш, ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишларини замонавий технологиялар асосида ташкил этишга қаратилган фаолият изчил давом этаётганини кўрсатади.

Айни пайтда замонавий техника билан таъминлаш баробарида, фермерлар учун ушбу хизматлардан фойдаланиш жараёнини ҳам соддалаштириш зарур. Шу мақсадда жамият фаолиятида рақамли ечимларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалиги техникасини лизингга олиш жараёнини соддалаштириш ва фермерлар учун қўшимча қулайлик яратиш мақсадида “Ўзагролизинг” мобиль иловаси яратилди. Эндиликда фермерлар илова орқали керакли техникани излаш, лизинг шартлари билан танишиш, ариза топшириш ва онлайн шартномалар имзолаш имкониятига эга. Яъни, техника танлашдан лизингга мурожаат қилишгача бўлган асосий жараёнлар битта рақамли платформада жамланган. Бу янгилик фермерларнинг лизинг хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, керакли маълумотларни олишни осонлаштириш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини янада қулай ташкил этишга қаратилган.

Йигирма етти йил – бу шунчаки вақт оралиғи эмас. Бу йиллар давомида тўпланган тажриба, шаклланган ҳамкорлик алоқалари, кенгайган техник таъминот имкониятлари ва олдинга қўйилган янги мақсадлар демакдир. 104 739 дона қишлоқ хўжалиги техникасининг лизинг асосида етказиб берилгани, 8,7 триллион сўмлик лизинг портфели, 9,3 триллион сўмлик жами активлар ҳамда халқаро молиялаштириш йўналишидаги ҳамкорликлар “Ўзагролизинг” АЖ фаолиятининг муҳим кўрсаткичларини ташкил этади. Аммо ҳар қандай натижанинг ҳақиқий қиймати унинг келажак учун яратган имкониятлари билан ўлчанади. Аграр тармоқ олдида турган янги вазифалар эса янада самарали техник ечимлар, пухта молиявий бошқарув ва ишончли ҳамкорликни талаб этади.

“Ўзагролизинг” АЖнинг 27 йиллик фаолияти – ўтган йўл сарҳисоби билан бирга, келажак сари масъулиятли қадам ҳамдир. Жамиятнинг бундан кейинги тараққиёти ҳам қишлоқ хўжалигини замонавий техникалар билан таъминлаш, фермерлар имкониятларини кенгайтириш ва мамлакат аграр тармоғининг техник салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадлари билан узвий боғлиқ.

Сарвиноз МИРЗАЕВА,
“Ўзагролизинг” АЖ Ахборот хизмати раҳбари.

“АҚЛЛИ” КЎЧАТХОНАЛАР ЎРМОНЛАРНИ ТИКЛАШ ВА ЯШИЛ ҲУДУДЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

(Боши 1-саҳифада)

Лойиҳа доирасида ташкил этилган замонавий кўчатхоналар ўрмон хўжалиги соҳасига илғор технологияларни олиб кириш, кўчат етиштириш жараёнини такомиллаштириш ва ресурслардан самарали фойдаланишга хизмат қилади. Хусусан, Дўнгқўрғон давлат ўрмон хўжалиги бўлими ҳудудида барпо этилган мажмуа 7 гектар майдонни эгаллаб, 14 та замонавий иссиқхонани ўз ичига олади.

Айни вақтда 1 минг 35 гектар майдонда 101,6 миллион туп ниҳол ва кўчат парвариш қилинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, 2024-2028 йилларга мўлжалланган мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 7,7 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Лойиҳа ўрмонларни тиклаш ва қайта барпо этиш, яшил ҳудудларни кенгайтириш, шунингдек, чўлланишнинг олдини олишга қаратилган муҳим ташаббуслардан биридир.



Мазкур кўчатхоналарда жорий этилган автоматлаштирилган тизимлар орқали маҳаллий иқлим шароитига мос дарахт ва буталар кўчатларини етиштириш, сув сарфини тежаш ҳамда меҳнат самарадорлигини ошириш имконияти яратилган. Бу эса сифатли кўчатлар етиштириш билан бирга, ўрмон хўжаликларининг моддий-техник имкониятларини ҳам мустаҳкамлайди. Соҳада амалга оширилаётган ишлар кўлами ҳам эътиборга молик. Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида ўрмон хўжаликларида 1 минг 100 тонна дарахт ва бута уруғлари жамғарилди.

– Энг муҳими, бундай замонавий кўчатхоналарнинг ишга туширилиши соҳада янги имкониятлар эшигини очади. Илғор технологиялар асосида етиштириладиган кўчатлар келгусида ҳудудларни кўкаламзорлаштириш, янги ўрмонзорлар барпо этиш ва экологик мувозанатни сақлашда муҳим ўрин тутади, - дейди Ўрмон хўжалиги агентлиги директори ўринбосари Ғ.Қурбонов.

Зеро, бугун экилган ҳар бир ниҳол эртанги куннинг мусаффо ҳавоси, соғлом табиати ва яшил келажагига қўшилган муносиб ҳиссадир

Иброҳим ТОШЕВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Эълонлар

08-01/6547 рақами билан 1992 йил 26 декабрда Камалетдинов Ирик Киямутдинович номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

08-01/29635 рақами билан 2015 йил 12 августда Асманко Юрий Викторович номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

ЯШИЛ ТАБИАТ – СОҒЛОМ ҲАЁТ, ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ – ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

(Боши 1-саҳифада)

“Яшил техникум” тушунчаси фақатгина обод ва кўкаламзор ҳудудни эмас, балки табиатга масъулият билан муносабатда бўладиган, экологик муаммоларга ечим топа оладиган, замонавий билим ва амалий кўникмаларга эга мутахассисларни тайёрлашни ҳам англатади. Бу борада Наманган вилояти “яшил” техникумида ҳам экологик маданиятни шакллантириш, ёшларни табиатни асрашга ўргатиш, таълим муассасасида тозалик ва ободонлаштириш ишларига эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Таълим муассасасида яшил ҳудудларни кўпайтириш, дарахт ва гуллар парвариши, сув ва электр энергиясини тежаш, чиқиндиларни белгиланган тартибда йиғиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга бағишланган тарбиявий тадбирларни ташкил этиш орқали ёшларда экологик масъулиятни шакллантириш мумкин. Бундай ишлар ўқувчиларда табиатга меҳр, жамоатчилик олдида масъулият ва соғлом турмуш тарзига интилишни кучайтиради. Қарорда “Яшил” техникумларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таълим сифатини ошириш ва уларни Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети – Green University билан боғлаш чоралари белгиланган. Шунингдек, ўқувчиларнинг амалий тайёргарлигини кучайтириш, уларни соҳадаги ташкилотлар ва табиий объектларда тажриба орттиришга йўналтириш кўзда тутилган.

Қарорда таълимнинг назария ва амалиёт уйғунлигига алоҳида ўрин берилган. Хусусан, икки йиллик таълим дастурида биринчи курсда назарий ва амалий машғулотлар тенг улушда



ташкил этилиши, иккинчи курсда эса амалий машғулотлар улуши 70 фоизга етказилиши белгиланган. Бу эса ўқувчиларнинг касбий кўникмаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Яна бир муҳим жиҳат – “Яшил” техникумларни муваффақиятли тамомлаган ва белгиланган талабларга жавоб берадиган битирувчилар учун Green University бакалавриатининг иккинчи курсидан ўқишни давом эттириш имконияти назарда тутилган. Бунинг учун инглиз тилини B2 даражасида билиш ва университет белгилаган GPA талабларига жавоб бериш лозим. Бундай имкониятлар ёшларни янада кўпроқ билим олишга, хорижий тилларни ўрганишга ва ўз устида мунтазам ишлашга ундайди. Экологик маданият – ҳар биримизнинг бурчимиз. Табиатни асраш фақат мутахассисларнинг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг вазифасидир. Сувни исроф қилмаслик, электр энергиясидан тежамкор фойдаланиш, дарахтларни асраш, чиқиндиларни атрофга ташламаслик каби оддий одатлар катта экологик натижаларга олиб келиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, техникумларда экологик мавзуларда давра суҳбатлари, амалий машғулотлар, кўкаламзорлаштириш акциялари, “Энг фаол ёш эколог”, “Энг обод гуруҳ” каби танловларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бунда ўқитувчиларнинг шахсий намунаси, ўқувчиларнинг ташаббускорлиги ва жамоатчилик билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутади. Экологик таълимни фақат дарс жараёни билан чеклаб қўймасдан, уни кундалик ҳаёт тарзига айлантириш зарур.

Зеро, бугун табиатни асрашни ўрганган ёшлар эртага жамиятнинг экологик хавфсизлиги ва барқарор тараққиётига ҳисса қўшадиган мутахассислар бўлиб етишади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш ўринлики, “Яшил” техникумлар фаолиятини ривожлантириш бу нафақат таълим соҳасидаги янгиланиш, балки экологик масъулиятли авлодни тарбиялаш, янги касбий имкониятлар яратиш ва мамлакатимизнинг барқарор келажагини таъминлашга қаратилган муҳим ташаббусдир.

Президентимиз томонидан касбий таълим ва экологик маданиятни ривожлантириш учун яратилаётган шароитлардан самарали фойдаланиш, таълим сифатини ошириш, амалий кўникмаларни мустаҳкамлаш ва ёшларни табиатни асраш руҳида тарбиялаш ҳар бир таълим муассасасининг муҳим вазифасидир. Зеро, яшил табиат – соғлом ҳаёт, экологик маданият – юксак масъулият, билимли ёшлар эса мамлакатимизнинг барқарор келажагидир.

Зиёдулла МИРАБДУЛЛАЕВ,
Хандона УСМАНОВА,
Наманган вилояти “Яшил” техникуми мутахассислари.



КУЗГИ ШУДГОР БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

(Боши 1-саҳифада)

Кузги шудгорни сифатли ўтказиш ҳамда чанг-тўзонларнинг олдини олишда нималарга аҳамият бериш керак бўлади?

Авалло, далаларни ғўзапоя ва бошқа ўсимлик, бегона ўтлар қолдиқларидан тозалаш, йиғиштириб олинган поялардан ер малҳами сифатида “Биочар” тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда чиринди миқдорининг барча майдонларда бир фоиздан камлиги аниқланган. Бу тупроқ таркибининг ёмонлашиб, эрозия жараёнлари кучайишига олиб келмоқда. Зичланишни камайтириш тупроқ таркибини яхшилаш учун шудгор ўтказилиши шарт. Биочар тупроқ унумдорлигини ошириш, намликни сақлаш ва сув сарфини камайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, бугунги кунда ушбу технология кенг қўлланилмоқда. Бегона ўтларга қарши Раундап гербициди ёки унинг аналогларини сепиш тавсия этилади, сўнг 10-15 кундан кейин шудгор ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Майдон плёнка, томчилатиб суғориш шлангларидан тозаланиши, шудгорлашдан олдин фосфорли (70%) ва калийли (50%) минерал ўғитларни солиш керак. Очиқ майдонларда ғўза етиштириш режалаштирилганда, фосфор ва калийли ўғитлар йиллик меъёрининг 70 фоизини (соф ҳолда 100 кг/га, физик тукда аммофос-217 кг/га, ёки супрефос- 430 кг/га, ёки PS-Агро 250 кг/га, ёки оддий суперфосфат-550 кг/га) ва калийли ўғитларнинг 50 фоизини (соф ҳолда 50 кг/га, физик тукда калий хлорид -83 кг/га ёки калий сульфат 108 кг/га) ҳамда маҳаллий ўғитни (гўнг 15-20 тонна/га ёки компост 20 тонна/га миқдорида) кузги шудгоростига солиш тавсия этилади.

Ғўза плёнка остида етиштириладиган майдонларда фосфор ва калийли ўғитлар йиллик меъёрининг юз фоизини (соф ҳолда 140 кг/га, физик тукда аммофос-308 кг/га, ёки супрефос- 614 кг/га, ёки PS-Агро 357кг/га, ёки оддий суперфосфат-1100 кг/га) ва калийли ўғитларнинг юз фоизини (соф ҳолда 100 кг/га, физик тукда калий хлорид -166 кг/га ёки калий сульфат 216 кг/га) ҳамда маҳаллий ўғитни (гўнг 15-20 тонна/га ёки компост 20 тонна/га миқдорида) кузги шудгордан олдин қўллаш тавсия этилади.

Шудгорлашни октябрь ойининг 20-санасидан ноябрь ойининг 20-санасигача ўтказиш мақбул ҳисобланиб, ушбу тадбир совуқ тушиб, ер музлаб қолгунга қадар тугатилиши шарт. Бунда, тупроқ қатлами яхши ағдарилиши ва уваланишига ҳамда ҳайдовнинг бир текис чуқурликда сифатли ўтказилишига эришилади. Шудгорлаш кечиктирилса, қор ва ёмғирлар ҳисобига ер музлаб қолади, ерни сифатли ҳайдаб бўлмайди ва кузги шудгорга қўйилган агротехник талаблар бажарилмай, тупроқ таркиби бузилади, чанг-тўзон кўпайишига олиб келади. Шудгорлашни тупроқдаги намлик 60-70 фоиздан кам бўлмаган муҳитда ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлиб, намлик етарли даражада бўлмаса, енгил суғориш талаб этилади.

Такрорий ва сидерат экинлар парваришланган майдонларда тупроқ намлиги етарли бўлиши ҳисобига пешма-пеш шудгорланади. Шудгорланган далада нотекисликлар, марзалар ва излар кам бўлиб, юзаси текис бўлгандагина тупроқдаги намнинг буғланиш сатҳи камаяди. Шудгорлаш ишлари дала четлари тўлиқ ҳайдалгандан сўнг тугалланган ҳисобланади.

Феруза ҲАСАНОВА,
Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти "Ғўза агротехнологиялари лабораторияси" мудири, қ.х.ф.н., профессор.

ИШОНЧДАН БОШЛАНГАН ЮКСАЛИШ

УСТОЗ МЕҲРИ ВА ШОГИРД ИНТИЛИШИ ИНСОННИ КАТТА МАҚСАДЛАР САРИ ЕТАКЛАЙДИ

Инсон ҳаётида шундай учрашувлар бўладики, улар дастлаб оддий бир суҳбат, маслаҳат ёки савол-жавобдек туюлади. Аммо вақт ўтиб, ўша лаҳза бутун бир йўлнинг бошланиши бўлганини англайсиз. Кимдир бир китобни ўқиб илмга меҳр қўяди, кимдир бир мураккаб масаланинг ечимини топиб, янада кўпроқ билишга интилади. Яна кимдир ўз қобилиятига ишонмаган пайтда устозининг "Сиз буни уддалай оласиз, фақат изланишдан тўхтаманг", деган гапидан куч олади.



Устоз-шогирдлик муносабатининг энг гўзал жиҳати ҳам шунда: устоз шогирдга фақат билим бермайди, унинг ўзига бўлган ишончини уйғотади, шогирд эса шу ишончни меҳнат, сабр ва натижа билан оқлашга ҳаракат қилади. Бу жараёнда буюк натижалар бир кунда пайдо бўлмайди. Улар кўпинча оддий қизиқиш, берилган тўғри маслаҳат ва бир-бирига ишонган икки инсоннинг изчил ҳаракатидан ўсиб чиқади. Тошкент давлат аграр университетида таҳсил олаётган Улуғбек ва Жаҳонгирнинг илмий-касбий йўли бу фикрни турли мисолларда намоён этади. Бири агрокластерлар иқтисодий самарадорлигини ўрганишга қизиққан ёш тадқиқотчи, иккинчиси рақамлар ортидаги иқтисодий жараёнларни англашга интилаётган магистр, таҳлилчи. Қизиқишлари, тадқиқот мавзулари ва босиб ўтаётган йўллари турлича. Зеро, уларни бирлаштириб турган куч – илмга бўлган муҳаббат, устознинг ҳаётий тажрибаси ва унинг ҳар бир маслаҳатидан тўғри хулоса чиқариб, "лаббай" деб туришдир.

Улуғбекнинг аграр иқтисодиётга қизиқиши халқаро тадбирлардан бирида хорижий мутахассислар тақдимотини тинглаган пайтда янада аниқ йўналиш касб этди. Европа ва Осиё мамлакатлари вакиллари иштирокидаги муҳокамаларда агрокластерлар фаолияти, уларнинг иқтисодий самарадорлиги ва илғор тажрибалар ҳақида айтилган фикрлар уни бефарқ қолдирмади. У эшитган маълумотларини шунчаки ёдда сақлаш билан чекланмади. "Бу тажрибаларнинг қайси жиҳатлари Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ҳам самара бериши мумкин?", деган савол устида ўйлай бошлади. "Мен учун хорижий тажрибани ўрганишдан мақсад – унинг самарали жиҳатларини аниқлаб, Ўзбекистон шароитида қўллаш имкониятларини излаш", дейди Улуғбек. Бу сўзлар унинг илмий ёндашувини ифодалайди: тайёр хулосани кўчириш эмас, унинг замиридаги сабабни тушуниш ва мамлакатимиз шароитига мос ечимни излаш.

Улуғбекнинг қизиқишини оддий бир ҳолатда ҳам тасаввур қилиш мумкин. Масалан, агрокластер ҳақида гап кетганда, у фақат қанча маҳсулот етиштирилганига эмас, балки ўша маҳсулот қандай сақлангани, қайта ишлангани, ташилгани ва бозорга етказилганига ҳам эътибор қаратади. Чунки даладан чиққан ҳосилнинг иқтисодий қиймати унинг кейинги босқичларда қандай бошқарилишига ҳам боғлиқ. Бир қарашда майда туюлган саволлар шу тариқа катта иқтисодий манзарани очиб беради. Унинг битирув малакавий иши "Жаҳон иқтисодиётида агрокластерлар иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш: замонавий тенденциялар ва прогноз кўрсаткичлари", деб номланган. Тадқиқотда хорижий давлатларда агрокластерлар фаолиятининг ташкил этилиши, иқтисодий натижалари ва ривожланиш тенденцияларини таққослаш кўзда тутилган. Улуғбек бир мамлакатда самара берган усулни бошқа мамлакатга ўзгаришсиз кўчириш мумкин эмаслигини англайди. Ҳар бир ҳудуднинг табиий ресурслари, ишлаб чиқариш имкониятлари, бозор шароити ва бошқарув тизими ўзига хос. Шунинг учун тажрибани ўрганиш билан бирга, унинг иқтисодий асосларини ҳам тушуниш зарур.

Инсоннинг ҳақиқий камолоти унинг қанча маълумотни билиши билан эмас, балки билганлари устида қанчалик чуқур мушоҳада юритиши, ҳар бир савол ортидан янги ҳақиқатни излаши билан ўлчанади. Илм йўли эса доимо равон бўлавермайди: унда шубҳа ҳам, изланиш ҳам, танқид ҳам бор. Аммо айнан шу жараёнлар инсон тафаккурини чархлаб, уни кечагидан бир қадам илгарилашга ундайди. Зеро, танқиддан ранжиш эмас, ундан сабоқ олишни билган, хатосини тан олишдан қўрқмаган ва ҳар бир мураккаб саволга жавоб излашдан чарчамаган инсонгина ҳақиқий изланувчига айланади. Жаҳонгирнинг илмга муносабатида ҳам ана шу фазилатлар мужассам. У учун илм тайёр хулосаларни ўзлаштириш эмас, балки савол бериш, шубҳаланиш, таҳлил қилиш ва янги ечимлар сари интилиш жараёнидир.

Баъзан рақамлар ортида оддий кўрсаткичлар эмас, балки бутун бир тизимнинг тақдири, унинг барқарорлиги ва келажагини белгилайдиган омиллар яширин бўлади. Бугун рақамли иқтисодиёт шароитида агрокластерлар фаолиятини фақат ишлаб чиқариш ҳажми ёки иқтисодий натижалар билан баҳолашнинг ўзи етарли эмас. Уларнинг молиявий барқарорлиги, ресурслар таъминоти, бозордаги ўзгаришларга мослашиш қобилияти ва эҳтимолий хавфларни олдиндан аниқлаш имкониятлари ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Жаҳонгирнинг илмий қизиқиши айнан шу нуқтада намоён бўлади. У Тошкент давлат аграр университети магистратурасида "Иқтисодий хавфсизлик" мутахассислиги бўйича таҳсил олиб, "Рақамли иқтисодиёт шароитида агрокластерлар хавфсизлиги таҳлили" мавзусини илмий жиҳатдан ўрганмоқда.

Унинг эътибори кластерлар фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган иқтисодий хатарларни аниқлаш, уларни баҳолаш ва рақамли таҳлил воситалари орқали барвақт прогноз қилиш имкониятларига қаратилган. Чунки кластернинг ҳақиқий самарадорлиги фақат бугунги натижалар билан эмас, балки эртанги ўзгаришларга қанчалик тайёр экани билан ҳам белгиланади. Жаҳонгирнинг фикрича, рақамлар шунчаки статистик кўрсаткич эмас, улар иқтисодий жараёнларни англаш ва тўғри қарор қабул қилишга ёрдам берадиган муҳим манбадир. Шу боис унинг изланишлари агрокластерлар фаолиятидаги заиф нуқталарни аниқлаш, иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилиши мумкин бўлган илмий ёндашувларни ишлаб чиқишга қаратилган.



Дунё тилларида сўзлашадиган авлод

Улуғбек янги ғоя ёки савол пайдо бўлса, уни устози билан муҳокама қилади. Баъзан мақоладан топган маълумотини олиб келади, баъзан хорижий тажрибадаги бир жиҳатни мисол қилади, баъзан эса ҳали тўлиқ шаклланмаган фикрини ўртага ташлайди. Суҳбат давомида қайси фикр илмий жиҳатдан асосли, қайси бири қўшимча маълумот талаб қилиши, қайси саволга ҳали жавоб топилмагани биргаликда таҳлил қилинади. Жаҳонгир ҳам устоздан олган маслаҳатларни ўз илмий ва амалий фаолиятида қўллашга ҳаракат қилади. Унинг учун устознинг ёрдами фақат бирор ишни қандай бажаришни айтиб бериш эмас, балки муаммога қандай қарашни ўрганишдир. Илмий ишда саволни аниқ қўйиш, маълумотни текшириш, фикрни далил билан мустаҳкамлаш ва хулосага шошилмаслик – бу кўникмалар ҳар қандай соҳада асқотади.

Жаҳонгир ва Улуғбекнинг изланишларида ҳам ана шу интилиш намоён. Зеро, бугун тил билиш шунчаки мулоқот воситаси эмас, балки дунё эшикларини очадиган, билим ва имкониятларни бирлаштирадиган муҳим кўприкдир. Улар сингари ёшлар ўзбек тилида фикрлаб, дунё тилларида мулоқот қила оладиган ва миллий салоҳиятни халқаро майдонга олиб чиқа оладиган авлод вакилларидир.

Устозга интилиш ҳамиша баландпарвоз гаплардан бошланмайди. Баъзан бу устознинг бир масалага қандай ёндашишини кузатиш, тушунмаган жойини сўраш, берилган тавсиядан кейин янада пухта маълумот билан қайтиб келишда намоён бўлади. Шогирд устозининг фикрлаш тарзини қадрласа, ундан ўрганишга интилади. Устоз эса шогирднинг саволларидаги қизиқишни, тавсиялар устида ишлашдаги масъулиятни кўриб, унга кўпроқ эътибор қаратади. Устознинг шогирдларига бўлган меҳри ҳам илмга бўлган ана шу муносабат орқали намоён бўлади. Савол беришдан тортинмайдиган, изланишдан чарчамайдиган, берилган маслаҳатни шунчаки қабул қилмай, амалда текшириб кўрадиган ёш тадқиқотчи устознинг ишончини қозонади. Устознинг меҳри фақат мақтов ёки илиқ сўзда эмас, шогирдга вақт ажратиш, унинг фикрини тинглаш, керак жойда талабчан бўлиш ва ўсиши учун масъулиятни ҳис этишда ҳам кўринади. Ҳақиқий устоз шогирд учун барча жавобларни тайёрлаб қўймайди. У тўғри савол беришни ўргатади, изланиш йўлини кўрсатади, баъзан шогирднинг дастлабки хулосасини қайта кўриб чиқишга ундайди. Бу жараёнда шогирд ҳам фаол бўлиши керак: маслаҳатни эшитиш, манбани қайта текшириш, ҳисоб-китобни аниқлаш ва мустақил хулоса чиқариш. Ана шунда устознинг тажрибаси шогирднинг меҳнати билан қўшилиб, ҳақиқий натижа беради.

Устоз-шогирд ўртасидаги ишончни фақат самимий муносабат ёки миннатдорлик сўзлари билан ўлчаб бўлмайди. Унинг ҳақиқий қиймати шогирднинг кейинги қадамларида, мустақил ишлай олишида ва эришган натижаларида кўринади. Улуғбек жорий йилда "Навоий" номли давлат стипендиясига сазовор бўлди. Яна бир муҳим натижа – устози билан ҳаммуаллифликда "Теоретико-методологические основы цифровой трансформации и устойчивого развития сельского хозяйства Республики Узбекистан" номли монографиянинг нашр этилишидир. Қишлоқ хўжалигининг рақамли трансформацияси ва барқарор ривожланишига бағишланган ушбу илмий иш шогирд учун нафақат янги билим, балки устоз билан биргаликда илмий фикрни шакллантириш ва уни нашр даражасига етказиш тажрибаси ҳамдир. Битирув малакавий иши устидаги изланишлар эса унинг аграр иқтисодиётга бўлган қизиқиши изчил давом этаётганини кўрсатади.

Жаҳонгирнинг натижалари ҳам унинг меҳнати ва илмий муҳитининг самарасини кўрсатади. У иқтисодиёт олимпиадасида якка тартибда биринчи ўринни, жамоавий беллашувда эса иккинчи ўринни эгаллади. Бу ютуқлар мустақил таҳлил қилиш билан бирга, жамоада фикр алмашиш ва умумий мақсад сари ҳаракат қилиш кўникмаларини ҳам намоён этди. Магистрлик тадқиқоти, маълумотлар таҳлили бўйича эгаллаган кўникмалари ва "Artel Service Center"даги иш тажрибаси эса билимнинг амалиёт билан боғланаётганидан далолат беради.

Бу натижаларни фақат бир инсоннинг омади ёки биргина устознинг хизмати деб баҳолаш тўғри бўлмайди. Ҳар бир ютуқнинг ортида шогирднинг шахсий меҳнати, вақт ва интизоми бор. Аммо тўғри йўналиш кўрсатган, ишонч билдирган ва зарур пайтда қўллаб-қувватлаган устознинг ўрни ҳам беқиёс. Устоз шогирдга имконият эшигини кўрсатади, бу эшикдан кириш, йўлни давом эттириш ва маррага етиш эса шогирднинг ўз ҳаракатига боғлиқ.

Устоз-шогирдлик муносабатининг аҳамияти фақат бир инсоннинг камол топиши билан чекланмайди. Унинг таъсири вақт ўтиши билан оила, касб, илм-фан ва бутун жамият ҳаётида намоён бўлади. Чунки бугун устоздан сабоқ олган ёш эртага муҳандис, олим, тадбиркор, раҳбар ёки давлат арбоби бўлиб етишиши мумкин. У қандай билим ва қадриятлар билан улғайса, келажакда қабул қиладиган қарорларида ҳам шу сабоқлар акс этади. Дунё тарихида бунга мисоллар кўп. Давлат бошқарувида ҳам устозликнинг моҳияти шунда кўринади: тажрибали авлод кейинги авлодга фақат вазифани эмас, масъулиятни ҳам ўргатади. Раҳбарлик лавозим ёки ваколатнинг ўзи эмас; у одамларни тинглаш, далилларга таяниш, узоқни кўра билиш, қарор оқибатини англаш ва жамият манфаатини ҳисобга олиш маданиятини талаб этади. Бундай фазилатлар эса бир кунда пайдо бўлмайди. Улар таълим, устоз сабоғи, амалий тажриба ва танқидий фикрлаш орқали шаклланади.

Ўзбекистонда ҳам таълим, илм-фан ва инсон салоҳиятини ривожлантириш давлат тараққиётининг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида илгари сурилаётган ислоҳотлар доирасида мактабгача ва мактаб таълимини ривожлантириш, педагоглар малакасини ошириш, ёшларни замонавий касблар ва хорижий тилларга ўргатиш, олий таълим қамрови ва сифатини кенгайтириш каби вазифалар белгиланган. "Ўзбекистон – 2030" стратегиясида ҳам ҳар бир инсон ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароит яратиш устувор мақсад сифатида қайд этилган. Бу йўналишлар ислоҳотларнинг марказида инсон, унинг билими ва имконияти туришини англатади. Ушбу мақсадларга эришишда қарорлар билан бир қаторда, ҳар куни бола ва талаба билан ишлаётган устознинг меҳнати ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу маънода, Улуғбек ва Жаҳонгирнинг ҳаётий мисоллари катта ислоҳотларнинг инсон ҳаётида қандай намоён бўлишини кўрсатади. Улуғбекнинг халқаро тадбирда туғилган қизиқиши устоз билан илмий мулоқот орқали аниқ тадқиқотга айланди. Жаҳонгирнинг болаликдаги математика қизиқиши эса рақамли иқтисодиёт, дата аналитика, магистрлик тадқиқоти ва иқтисодиёт олимпиадасида якка тартибда биринчи, жамоавий беллашувда иккинчи ўринни эгаллаши билан давом этди. Бу натижаларда шогирдларнинг шахсий меҳнати билан бирга, устозлар берган йўл-йўриқ ва ишонч ҳам ўз ўрнига эга.

Бу икки ёш мисолида яна бир муҳим жиҳат кўринади: устозга ишониш шогирдни тайёр фикрни такрорлашга эмас, мустақил фикрлашга олиб бориши керак. Устознинг Улуғбек ва Жаҳонгирга муносабатида ҳам айнан шу тамойил сезилади – саволни тинглаш, далил талаб қилиш, керак пайтда йўналиш бериш ва шогирднинг ўз хулосасига етиши учун шароит яратиш. Шогирднинг устозга бўлган самимий ишончи эса тавсияларни меҳнатга айлантириш, янги билим излаш ва эришилган натижалар билан жавоб бериш орқали намоён бўлади.

Жамият тараққиётини катта бир эстафетага қиёслаш мумкин. Бир авлод билим ва тажриба машъаласини ёқади, кейинги авлод уни қабул қилиб, янада олдинга олиб боради. Агар бу машъала узилмай, устоздан шогирдга, шогирддан кейинги авлодга ўтса, илм ҳам, бошқарув маданияти ҳам, тараққиёт ҳам узлуксиз давом этади. Бугунги устознинг шогирди эртага янги авлодга устоз бўлади, бугун маслаҳат тинглаган ёш мутахассис эртага ўз жамоасига йўл кўрсатади, жамият олдидаги масъулиятни зиммасига олади. Шунинг учун Улуғбек ва Жаҳонгирнинг эришган натижаларини фақат икки ёшнинг шахсий муваффақияти сифатида эмас, балки устозлик анъанасининг ҳаётдаги давоми сифатида ҳам кўриш мумкин. Уларнинг олдида ҳали катта илмий ва касбий марралар бор. Аммо бугунги қадамларининг ўзиёқ бир ҳақиқатни тасдиқлайди: устознинг ишончи шогирдга қанот бағишлайди, шогирднинг меҳнати эса бу ишончни жамият учун фойдали натижага айлантиради. Давлатнинг келажаги ҳам айнан шундай инсонлар – билимли, мустақил фикрлайдиган, масъулиятни ҳис этадиган ва бошқаларга йўл кўрсата оладиган авлод қўлида шаклланади. Ислоҳотларнинг энг узоққа борадиган самараси ҳам шунда: бугун устозга яратилган шароит эртага шогирднинг имкониятига, унинг билими эса мамлакат тараққиётига айланади. Зеро, юксак мақсадларга фақат кучли қарорлар билан эмас, шу қарорларни ҳаётга татбиқ этадиган билимли инсонлар ва уларни тарбиялаган устозлар билан эришилади.

Янги Ўзбекистоннинг мақсадлари ҳам, Тошкент давлат аграр университетидаги таълим ва илмий фаолиятни янгилашга қаратилган вазифалар ҳам инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш ғоясида муштаракдир. Бу ғоянинг ҳаётдаги энг самимий кўриниши эса устознинг шогирдига "Сен уддалай оласан", дея ишонч билдириши, шогирднинг эса шу ишончни изланиш ва аниқ натижа билан оқлашидир. Ислоҳотлар инсонга имконият яратганда, устоз шу имкониятга йўл кўрсатганда, шогирд эса уни билим ва меҳнат билан рўёбга чиқарганда тараққиёт мазмун касб этади.

Эртанги куннинг етук мутахассиси, илм-фан ва тараққиётга муносиб ҳисса қўшадиган шахслари ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Уларнинг шаклланиши учун, аввало, ишонч билдирадиган устоз, изланишга ундайдиган муҳит ва ёшларнинг салоҳиятини кўра биладиган таълим маскани керак. Бугун Улуғбек ва Жаҳонгир каби ёшларнинг илмий изланишлари, мустақил фикрлаши ва ўз олдига катта мақсадлар қўяётгани бежиз эмас. Бу устоз меҳнати, шогирд ғайрати ва ёшларга йўл очиб берадиган таълим муҳитининг уйғун самарасидир. Ахир, ҳар бир ёшнинг қалбида катта орзулар бор, аммо уларни юксак натижага айлантириш учун кимдир ишониши, кимдир йўл кўрсатиши ва кимдир имконият яратиши керак. Шундай экан, бугунги талабалар орасидан эртанги олимлар, раҳбарлар ва янгилик яратувчиларни тарбиялаш фақат таълим бериш эмас, балки келажакни бунёд этиш демакдир. Бундай натижалар замирида нафақат талабаларнинг шахсий интилиши ва устозларнинг фидокорона меҳнати, балки олий таълим муассасасида шаклланган юксак мақсад ва тараққиётга қаратилган изчил раҳбарлик сиёсати ҳам мужассам. Зеро, ҳар бир олийгоҳнинг ҳақиқий салоҳияти нафақат унинг бугунги ютуқлари, балки эртанги кун учун қандай кадрларни тарбиялаётгани билан белгиланади. Ана шундай билимли, ташаббускор ва ўз соҳасига садоқатли ёшларни камол топтириш, уларнинг илмий изланишлари ва иқтидорини рўёбга чиқариш учун зарур муҳит яратиш олий таълим муассасаси раҳбарияти олдида турган энг муҳим вазифа, мақсад ҳамда ниятларидан биридир. "Тошкент давлат аграр университетида ишонч, умид, ҳаракат ва келажак бор", дейди устоз - иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Илҳом Очилов.

Бекжон ЖЎРАҚУЛОВ,
ТДАУ матбуот котиби.

ГМО маҳсулотлар зарарлими?

(Боши 1-саҳифада)

Генетик таҳрирлаш. Бу усул бошқаларига қараганда нисбатан янги ҳисобланади. Унда ўсимликнинг кичик қисм ДНКлари олиб ташланиши мумкин. Лекин унга бошқа ўсимлик ёки ҳайвон ДНКлари қўшилмайди.

Японияда аллақачон генетик таҳрирлаш усулида етиштирилган, тинчлантирувчи хусусиятга эга помидорлар, сушилар учун мос келадиган махсус етиштирилган денгиз лишайникларини сотиб олиш мумкин. АҚШ фирмалари уруғсиз маймунжон ва данаксиз қулупнайлар устида иш олиб боряпти. Буюк Британияда эса тадқиқотчилар витамин Д га бой помидорлар устида ишлаяпти. Англиянинг Ҳертфордшир университети олимлари буғдойнинг янги навини генетик таҳрирлаш устида ишлаяпти.

Озиқ-овқат саноатида генетик таҳрирлашдан фойдаланиб, тезроқ янги навларни кашф қилишни хоҳлаши билан бирга озиқ-овқатни тўла мослигича етиштиришга ҳам урғу берилмоқда. Масалан, вегетерианлар учун мўлжалланган ўсимликлар оқсилга бой ва гўшт истеъмоли ўрнини боса оладиган бўлиши керак. Бундан ташқари, иқлим ўзгаришига чидамли навлар бўлишига ҳам алоҳида эътибор бериляпти.

Генетик ўзгарган маҳсулотларни истеъмол қилиш хавфсизми?

Олимлар учта усул ҳам истеъмол учун хавфсиз озиқ-овқат ишлаб чиқаришни, ҳар бир нав қаттиқ синовдан ўтишини таъкидлайди. Шимолий ва Жанубий Америка, Осиёда генетик ўзгартирилган маҳсулотларни миллиардлаб одамлар 20 йилдан ошиқ вақтдан бери истеъмол қилишяпти, лекин уларнинг соғлигида айнан шунинг учун муаммо кузатилмаган. Бироқ соғликка ва табиатга хавф эҳтимоли мавжудлиги сабаб ГМО ва бошқа усулда генетик таҳрирланган маҳсулотлар сотувига Европа Иттифоқи ҳудудида қатъий тақиқ қўйилган. Англияда эса яқиндан бошлаб генетик таҳрирланган маҳсулотлар сотувига рухсат берилди.

Генетик таҳрирланган озиқ-овқатларни хуш кўрмаётганлар бу турнинг ГМО маҳсулотлардан фарқи йўқлигини айтишмоқда. Бошқа тараф эса генетик таҳрирланган маҳсулотлар табиийга яқин эканини, улар ГМО озиқ-овқатлардан фарқ қилишини айтишмоқда. Шунингдек, генетик таҳрирланган маҳсулотлар аллергия чақириши ёки заҳарланиш хавфи ҳақида ҳам хавотирлар бор.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ГМО маҳсулотларининг учта асосий хавфга сабаб бўлиши хавотири бор. Булардан биринчиси генлар аралашиши оқибатида аллергик оқибатларга олиб келиши мумкинлиги. Кейингиси, ГМО маҳсулотларида генлар трансфери инсон соғлигига салбий таъсир қилиши хавотири. Яна бир хавотир эса ГМО маҳсулотлари сабаб озиқ-овқат хавфсизлигига путур етказиши мумкинлиги. Бунда таркибида ГМО бўлган экин билан анъанавий ёки ёввойи экин чатиштирилиши оқибатида табиийлик занжирига путур етиши мумкин. Шунинг учун баъзи давлатларда ГМО экинлар ва анъанавий экинлар етиштириладиган далалар бир-биридан қатъий ажратилади.

ГМО маҳсулотлари хавфли ёки хавфсиз эканини айтиш учун уларнинг ҳар бири алоҳида текширувдан ўтказилиши керак. Сабаби ҳар бир генетик модификация қилинган озиқ-овқат бошқасидан фарқ қилади. Шунинг учун умумий тарзда ГМО маҳсулотлари соғлик учун хавфсиз ёки хавфли, бўлмайди. Айни пайтда халқаро сотувда бўлган ГМО маҳсулотлари текширувлардан ўтказилмоқда.

Худайберди НАЗАРОВ
ТДАУ доценти,
Райҳона ҚАҲРАМОНОВА,
илмий тадқиқотчи,
Муродбек ҲАСАНБОЕВ
университет талабаси.

ТИББИЁТ ХОДИМИ УЧУН КАСБГА МЕҲР АЛОҲИДА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ

Ёшларнинг касб танлаши келажак сари қўядиган муҳим қадамларидан биридир. Қизиқиш билан бошланган бу йўл билим ва амалий тажриба билан мустаҳкамланиб, инсонни ўз ишини севадиган, масъулиятли мутахассис сифатида камол топтиради. Айниқса, инсон саломатлигини асрашдек шарафли вазифани зиммасига оладиган тиббиёт ходими учун касбга меҳр алоҳида аҳамият касб этади.

Қўқон Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумида ёшларнинг тиббиёт касбларига қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларини амалий кўникмалар билан бойитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, оқ халат кийишни орзу қилган ёш унинг замиридаги масъулиятни ҳам чуқур ҳис этиши керак. Ҳар бир машғулот ўқувчига танлаган касбининг инсон ҳаётидаги ўрнини англаш, ўз олдига аниқ мақсад қўйиш имконини беради. Ўқувчи олган билимини амалда қўллаб, меҳнатининг дастлабки натижасини кўрганида қалбида ишонч уйғонади. Техникумдаги симуляцион хоналар ва интерактив доскалар машғулотларни кўргазмали ташкил этиш, тиббий муолажаларни ўқув шароитида машқ қилиш учун имконият яратади. Бу ерда ўзлаштирилган ҳар бир кўникма ёшларни келажакдаги касбий фаолиятига бир қадам яқинлаштиради.

Техникумда халқаро ҳамкорлик доирасида ҳамширалар тайёрлаш ва ўқувчиларнинг хорижда меҳнат фаолиятини олиб бориш имкониятларини кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Буюк Британиянинг Pearson дастури асосида 60 нафар ҳамшира халқаро дастур бўйича тайёрланмоқда. Мазкур йўналиш ёшларнинг касбий билим ва кўникмаларини ривожлантириш, уларни халқаро меҳнат бозорига тайёрлашга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, Германиянинг GIZ ташкилоти билан ҳамкорликда 30 нафар ўқувчига немис тили ўргатилмоқда ҳамда уларни Германияда меҳнат фаолиятини олиб бориш учун юбориш ишлари амалга оширилмоқда. Ушбу ҳамкорлик ўқувчиларнинг тил билиш кўникмаларини мустаҳкамлаш, касбий имкониятларини кенгайтириш ва келажакдаги фаолиятига бўлган ишончини оширишда муҳим ўрин тутмоқда.

Ёшларнинг касбга муносабатини шакллантиришда устознинг шахсий намунаси беқиёс ўрин тутади. Дарсни ҳаётий мисоллар билан бойитган, ҳар бир саволга эътибор билан ёндашган ўқитувчи ўқувчи қалбида изланишга ҳавас уйғотади. Баъзан устознинг ўз вақтида айтган далда сўзи ёшнинг иккиланишини енгиб, ўз кучига ишонишига ёрдам беради. Касбини ардоқлаган устоз шогирдига билим билан бирга шу касбнинг қадрини ҳам ўргатади.

Тиббиёт ходими учун билим ва амалий маҳорат билан бир қаторда меҳрибонлик, сабр-тоқат ва ҳалоллик ҳам зарур. Беморни самимий тинглаш, унинг ташвишини тушуниш, кўнглига таскин берадиган сўз топиш – касбий маданиятнинг муҳим белгиларидир. Оқ халатнинг қадрини уни кийган инсоннинг билими, одоби ва масъулияти белгилайди. Шу боис, ёшларни касбга тайёрлаш жараёнида уларнинг инсоний фазилатларини камол топтиришга ҳам эътибор қаратиш лозим.

Бугун касбини онгли равишда танлаб, билим олишга қунт билан киришган ёш эртага эл саломатлигига хизмат қиладиган мутахассис бўлиб етишади. Биз, устозларнинг вазифаси унинг қизиқишини қўллаб-қувватлаш, қобилиятини юзага чиқариш ва касбий йўлига мустаҳкам пойдевор қўйишдир. Ёш қалбида уйғонган касбга меҳр билим ва меҳнат билан улғайса, келажакда инсонларга наф келтирадиган эзгу хизматга айланади.

Анваржон АБДУҒАНИЕВ,
Қўқон Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникуми ўқитувчиси.



АГРАР СОҲАДА ҲАМ ТИЛИМИЗ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбек тили халқимизнинг бебаҳо маънавий мероси, миллий ўзлигимизнинг мустаҳкам таянчидир. Бугун тилимизнинг давлат бошқаруви, илм-фан, таълим, иқтисодиёт, ишлаб чиқариш ва бошқа барча соҳалардаги мавқеини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки тил фақат мулоқот воситаси эмас, балки тараққиётга хизмат қиладиган, билимни оммалаштирадиган ва жамиятни бирлаштирадиган муҳим омилдир. Айниқса, қишлоқ хўжалиги каби халқ ҳаёти, кундалик турмуши ва мамлакат иқтисодиёти билан бевосита боғлиқ соҳада она тилининг имкониятларидан кенг фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Зотан, ер билан ишлайдиган деҳқон, чорвадор, фермер, агроном ва соҳа мутахассиси бир-бирини аниқ тушуниши, зарур билим ва тавсияларни осон англай олиши керак. Бунинг учун эса касбий тушунчалар содда, равон ва халқчил тилда ифодаланиши муҳим.

Қишлоқ хўжалиги тили – халқ тилига яқинлашмоқда

Қишлоқ хўжалиги халқимизнинг асрлар давомида шаклланган ҳаёт тарзи, меҳнат маданияти ва дунёқараши билан чамбарчас боғлиқ. Деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик, сувдан фойдаланиш, тупроққа ишлов бериш ва ҳосил етиштириш билан боғлиқ кўплаб тушунчалар тилимизда қадимдан мавжуд. Аждодларимиз ерга ишлов бериш, уруғ қадаш, экин парваришлаш, ҳосил йиғиш жараёнларини ўз тажрибаси ва кузатувлари асосида такомиллаштириб, бу борадаги билимларини авлоддан авлодга етказиб келган.

Бугунги қишлоқ хўжалиги эса замонавий технологиялар, илмий ёндашувлар ва янги бошқарув усуллари билан бойиб бормоқда. Соҳага янги техника ва технологиялар кириб келиши, рақамлаштириш жараёнларининг жадаллашуви, илмий тадқиқотлар кўламининг кенгайиши натижасида янги тушунча ва атамаларга эҳтиёж ортмоқда. Бундай шароитда ўзбек тилининг соҳавий имкониятларини кенгайтириш, янги терминларни миллий тилимизнинг табиий хусусиятларига мос равишда ифодалаш долзарб вазифалардан биридир.

Энг муҳими, бу жараён шунчаки айрим сўзларни бошқа сўзлар билан алмаштиришдан иборат эмас. Асосий мақсад, мазмунни тўғри етказадиган, мутахассис учун ҳам, оддий деҳқон учун ҳам тушунарли бўлган, амалиётда қўллашга қулай тил муҳитини шакллантиришдир.

Бугун қишлоқ хўжалигига оид ҳужжатлар, тавсиялар, услубий қўлланмалар ва ахборот материалларини тайёрлашда ўзбек тилининг равонлиги ва тушунарлилигига эътибор кучаймоқда. Мураккаб ифодаларни имкон қадар содда баён этиш, мазмуни англаш қийин бўлган атамаларни изоҳлаш, халқ орасида кенг қўлланадиган сўзлардан ўринли фойдаланиш орқали соҳавий ахборотнинг оммабоплиги ошмоқда. Бу, аввало, билим ва тажрибани кенгроқ қатламларга етказиш имконини беради. Чунки агрономнинг тавсияси фермерга, илмий изланиш натижаси деҳқонга, янги технология ҳақидаги маълумот эса амалиётчи мутахассисга тушунарли бўлсагина кутилган самарасини беради.

Тилнинг вазифаси мураккаблик яратиш эмас, мураккаб мазмунни аниқ ва равшан тушунтиришдир.

Атамаларнинг соддалашуви – билимнинг оммалашуви

Ҳар қандай соҳанинг ривожланиши унда қўлланадиган тушунча ва атамаларнинг аниқ, изчил ҳамда тушунарли бўлишини талаб қилади. Айниқса, қишлоқ хўжалигида терминларнинг тўғри қўлланиши катта амалий аҳамиятга эга. Зеро, бирор агротехник тадбир, ўсимликни ҳимоя қилиш усули ёки суғориш тартиби ҳақида берилган тавсия нотўғри тушунилса, бу меҳнат самарадорлигига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу боис соҳага оид терминларни ўзбекчалаштиришда, энг аввало, мазмуннинг аниқлиги ва тушунарлилигига таяниш лозим. Ўзбек тилида муқобили мавжуд бўлган атамалардан фойдаланиш, мураккаб иборалярни содда шаклда ифодалаш, зарур ҳолларда эса халқ орасида ишлатиладиган сўз ва бирикмаларни илмий жиҳатдан асосланган ҳолда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Масалан, айрим вазиятларда мураккаб касбий иборалар ўрнига мазмунни тўлиқ ифодаловчи содда ўзбекча тушунтиришдан фойдаланиш мумкин. “Тупроқ унумдорлиги”, “сув тежовчи технологиялар”, “ўсимликларни ҳимоя қилиш”, “уруғ сифати”, “ҳосилдорлик” каби тушунарли бирикмалар соҳага оид билимларни кенг оммага етказишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Бироқ терминларни соддалаштириш илмий аниқликдан воз кечиш дегани эмас. Ҳар бир атама муайян тушунчани англатади. Шунинг учун янги ёки муқобил атамаларни танлашда уларнинг мазмуни, илмий асосланганлиги ва амалиётда бир хил маънода қўлланишига эътибор қаратиш зарур. Мақсад – атамаларни шунчаки ўзгартириш эмас, балки ўзбек тилида сифатли ва изчил соҳавий мулоқот муҳитини яратиш. Бу борада мутахассислар, тилшунослар, олимлар, олий таълим муассасалари ва амалиётчи деҳқон-фермерлар ҳамкорлиги муҳим ўрин тутади. Чунки соҳавий терминларнинг ҳаётийлигини уларнинг амалиётда қай даражада қўлланиши белгилайди. Одамлар тушунадиган, кундалик фаолиятида ишлатадиган ва мазмунини тўғри англайдиган атамаларгина тилимизнинг фаол қатламидан муносиб ўрин эгаллайди.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, қишлоқ хўжалигига оид маълумотларнинг ўзбек тилида содда ва равон баён этилиши ёшларнинг соҳага қизиқишини ҳам оширади. Ўқувчи ва талаба ўзи танлаган касбга оид билимларни она тилида пухта ўзлаштирса, уларни амалиётда қўллаши ҳам осонлашади. Демак, тилнинг ривожи кадрлар салоҳияти, илмий тафаккур ва касбий маданият юксалишига ҳам хизмат қилади.

Ерга ўзбекча меҳр – қадрият ва масъулият ифодаси

Ўзбек халқининг ҳаётида ер алоҳида ўрин тутади. Ер – ризқ-рўзимиз, фаровонлигимиз ва келажак авлодлар ҳаётининг муҳим манбаи. Деҳқон учун ер оддий ишлаб чиқариш воситаси эмас, балки меҳнат, сабр, умид ва барака тимсолидир. Халқимизнинг “Ерга меҳр берсанг, ер сенга меҳр беради” деган мазмундаги ҳикматлари ҳам ана шу ҳаётий ҳақиқатни ифодалайди. Ерга муносабатимизда тилимиз ва миллий қадриятларимизнинг ўрни беқиёс. Чунки она тилида ифодаланган тушунча инсон қалбига яқин бўлади, унда масъулият ва дахлдорлик туйғусини уйғотади. Тупроқни асраш, сувни тежаш, экинларни парваришлаш, табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш каби ғояларни халқимизга ўз тилида содда ва таъсирчан етказиш экологик маданиятни юксалтиришга хизмат қилади.

Бугун қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, сувни тежовчи технологияларни жорий этиш, ҳосилдорликни ошириш билан бир қаторда, табиат олдидаги масъулиятни чуқур англаш ҳам талаб этилади. Бундай вазифаларни бажаришда илмий билимлар билан бирга, халқнинг асрий тажрибаси ва миллий қадриятларига таяниш муҳим.

Деҳқончилик маданиятини юксалтириш, ёш авлодда ерга ҳурмат туйғусини шакллантириш, сувнинг ҳар томчисини қадрлаш ва табиат неъматларига эҳтиром билан қарашни тарғиб этишда ўзбек тилининг таъсирчан имкониятларидан кенг фойдаланишимиз лозим. Шу маънода, ерга ўзбекча меҳр бериш деганда, аввало, унга халқимизнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва масъулият ҳисси билан ёндашишни тушунамиз. Бу ернинг тилини билиш, унинг имкониятларини англаш, эҳтиёжларини тушуниш ва келажак авлодларга унумдор ҳолда етказиш учун масъулиятни ҳис этишдир.

Қишлоқ хўжалиги ходимлари, олимлар ва мутахассислар ўз тажрибасини она тилида аниқ ифодалаб, билимларини кенг оммага етказган сари тилимизнинг амалий имкониятлари ҳам кенгайиб боради. Шу тариқа, ерга меҳр ва тилга эҳтиром бир-бирини тўлдирадиган, тараққиётга хизмат қиладиган қадриятларга айланади.

Тилимизнинг жозибаси – унинг ҳаётийлигида

Тилнинг бойлиги фақат луғат таркибидаги сўзлар сони билан белгиланмайди. Унинг ҳақиқий қудрати турли соҳаларда қўлланиши, замон билан ҳамнафас ривожланиши, янги тушунчаларни ифодалашга қодирлиги ва инсонлар ўртасида самарали мулоқотни таъминлай олишида намоён бўлади. Ўзбек тили ана шундай кенг имкониятларга эга. Унинг ифода кучи, оҳангдорлиги, образлилиги ва маъно нозикликлари ҳар қандай соҳада фикрни равон баён этиш имконини беради. Бугун бу имкониятларни қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам янада кенг намоён этиш зарур. Бунинг учун, биринчи навбатда, соҳавий ҳужжатлар ва ахборот материалларининг тилига эътибор кучайтирилиши лозим. Расмий матнлар ортиқча мураккаб жумлалардан холи, аниқ ва равон бўлиши, аҳолига мўлжалланган тавсиялар эса содда, тушунарли тилда баён этилиши керак. Илмий терминлардан фойдаланилганда уларнинг мазмунини изоҳлаш, зарур ҳолларда ўзбекча муқобилларини қўллаш яхши самара беради. Шунингдек, замонавий ахборот технологиялари ва рақамли платформаларда ўзбек тилидаги сифатли материаллар улушини ошириш муҳим. Фермер ва деҳқонлар учун тайёрланадиган электрон қўлланмалар, видеодарслар, мобил иловалар, маълумотномалар ҳамда маслаҳатлар она тилимизда равон ва тушунарли бўлиши керак. Бу нафақат тилнинг нуфузини оширади, балки илғор билим ва тажрибаларнинг кенг оммалашувига ҳам замин яратади.

Тилни ривожлантириш узлуксиз жараён.



Шамшод ЭРГАШЕВ,
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги котибият бошлиғи.

Бугун ўзбекчалаштирилаётган ёки янгидан шаклланаётган атамалар эртага илмий адабиётлар, ўқув қўлланмалари, ишлаб чиқариш ҳужжатлари ва кундалик мулоқотда фаол қўлланиши учун изчил иш олиб бориш зарур. Бунда ягона ёндашув, мутахассислар ҳамкорлиги ва тил меъёрларига риоя этиш алоҳида аҳамиятга эга. Энг муҳими, она тилига ҳурмат фақат байрам кунларида айтиладиган эзгу тилаклар билан чекланиб қолмаслиги керак. У ҳар бир ҳужжатимизда, ҳар бир тавсиямизда, касбий мулоқотимизда ва кундалик фаолиятимизда намоён бўлиши лозим. Тилимизга қанча кўп эътибор берсак, унинг имкониятларидан қанча самарали фойдалансак, у шунча бойиб, жозибадорлиги ва нуфузи ортиб боради.

Қишлоқ хўжалигида ўзбек тилининг мавқеини мустаҳкамлаш, соҳавий терминларни соддалаштириш, халқчил ва тушунарли ифодаларни кенг қўллаш орқали биз нафақат тилимиз ривожига, балки билим ва тажрибанинг оммалашишига ҳам ҳисса қўшамиз. Зеро, тушунарли тил – самарали мулоқот, самарали мулоқот эса тараққиётнинг муҳим шартидир.

Бугун ерга меҳр билан ишлов бераётган деҳқон, янги технологияларни жорий этаётган фермер, илмий изланишлар олиб бораётган олим ва ёш мутахассисларнинг барчаси умумий мақсад – юртимиз фаровонлиги, халқимиз дастурхони тўкинлиги ва қишлоқ хўжалигимиз барқарор ривожига хизмат қилмоқда. Уларнинг меҳнати, билими ва тажрибасини она тилимизда ифодалаш эса миллий ўзлигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Она тилимизнинг қадрини юксалтириш ҳар биримизнинг вазифамиз. Уни ҳаётнинг барча жабҳаларида фаол қўллаш, янги тушунчалар билан бойитиш, ёш авлодга соф ва равон етказиш орқали тилимизнинг келажагини таъминлаймиз.

Зеро, тилга эҳтиром – миллатга эҳтиром, ерга меҳр эса келажакка масъулиятдир. Она тилимиз қадр топган, илм ва тажриба халқчил тилда ифодаланган, ер ва сувга эъзоз билан муносабатда бўлинган юртда тараққиёт янада мустаҳкам бўлади.

МАЪРИФАТ НУРИН ТАРАТАЁТГАН УСТОЗ

Илм йўли ҳамиша мураккаб ва айни пайтда шарафли йўлдир. Олимлик мартабаси эса ҳавасга молик, улуғ унвон экани ҳам рост. Яқинда ўқиб қолдим:

Мирзо Улуғбекдан сўрадилар:

– Сиз нега сиёсатни қўйиб, илм билан машғул бўлдингиз?

Мирзо жавоб бердиларки: – Мен илмнинг қудратини бобомдан билдим. Бир сафар бобомнинг тиззасида ўтирар эдим, шу пайт ҳузурига бир киши кирди, бобом шошиб унинг истиқболига ўрнидан турди – мен тиззасидан тушиб кетдим. Кейин билсам, у зот олим экан, бобомнинг пири комили экан. Илмнинг обрў-нуфузини ана ўшанда кўрдим.



Профессор, филология фанлари доктори Нафас Шодмонов номини тилга олганимизда чексиз эҳтиром ҳиссини туямиз. Катта олимни нафақат вилоятимизда, балки республикамиздаги илм аҳли яхши билади. Ҳамкасблари, илм толиблари орасида домланинг ҳурмати жуда баланд. Олимнинг ўзбек адабиётшунослиги ва матншунослиги ривожига қўшган салмоқли ҳиссаси, чуқур билим, кенг мушоҳада, изчил тадқиқотчилик маданиятига асосланган фаолияти алоҳида ажралиб туради.

Домланинг адабиётшунослиқдаги тадқиқотлари унинг бадиий матнни теран англаши, адабий жараённи тарихий ва эстетик жиҳатдан холис баҳолаш қобилияти юксак эканлигини кўрсатади. Унинг асарларида ҳар бир хулоса пухта асосланган, ҳар бир фикр илмий далил билан мустаҳкамланган. Матншунослик соҳасидаги фаолияти эса алоҳида эътирофга лойиқ: қўлёзма манбалар билан синчковлик ва сабр билан ишлаш, матнни асл ҳолига яқин тиклаш, уни илмий изоҳлар билан бойитиш каби машаққатли меҳнат олимнинг юксак масъулияти ва фидойилигидан далолат беради. Шу боис унинг илмий мероси нафақат бугунги, балки келажак авлод тадқиқотчилари учун ҳам ишончли манба бўлиб хизмат қилади. Унинг маърузалари ва суҳбатлари талабалар қалбида илмга муҳаббат уйғотаётгани-да айни ҳақиқат.

Нафас домлани кўп йиллардан бери танийман. Хизмат юзасидан суҳбатлашамиз, “Маърифат” тарғиботчилар жамиятининг фаол аъзоси сифатида тадбирларда бирга иштирок этамиз. Ўрни келганда, гуруҳ фаолиятини такомиллаштириш, натижадорликни ошириш бўйича маслаҳатлар сўрайман. Чунки домла нафақат ўз касбининг билимдони, маънавияти юксак, чин инсон ҳамдир.

Шогирдларига талабчан, меҳрибон устоз, ҳамкасбларига самимий ва очиқ қалбли суҳбатдош. Унинг камтарлиги, одамийлиги, ҳар бир инсонга ҳурмат билан муносабати атрофдагиларда чуқур эҳтиром уйғотади. Илмда ҳалоллик, ҳаётда покизалик домланинг ҳаётий тамойилига айланган. Кўплаб ёш тадқиқотчилар айнан унинг маслаҳатлари ва ғамхўрлиги туфайли илм йўлида ўз ўрнини топишмоқда.

Миллат тараққиёти ва дунё билан бўйлаша олиши учун жон куйдирган инсонлар ҳамма вақт бўлган. Бу соҳада жадид боболаримизни эслаш кифоя. Нафас домла ҳам миллат вакилларининг маърифатли бўлиши йўлида фидойилик билан меҳнат қилиб келмоқда.

Профессор Нафас Шодмонов ҳар бир инсонга – у талаба бўладими, ҳамкасб ёки оддий киши бўладими – бирдек ҳурмат ва эътибор билан муносабатда бўлади. Унинг сўзи билан иши бир, ваъдасига содиқ, ҳақиқат йўлидан оғишмайди. Илмда ҳалоллик, ҳаётда покизалик, муомалада самимият унинг ҳаётий тамойилига айланган.

Бундан ташқари, юксак ирода ва матонат соҳиби ҳамдир. Фаолияти давомида унга турли тошлар отилди. Дарҳақиқат, мевали дарахтга тош отилади, деганларидек, қобилиятли, билимли, муваффақиятли инсонлар кўпинча ҳасад ва таҳдидга учрайдилар. Нафас домла сабр-матонатли, энг муҳими, виждонли, тўғри инсон бўлгани учун барча қийинчиликларни енгиб ўта олди.

Олимнинг қалби меҳр ва оқибатга тўла. У муҳтожларга ёрдам қўлини чўзишдан, бировнинг дардига шерик бўлишдан ҳеч қачон ўзини олиб қочмайди. Ҳамкасбларининг қувончини баҳам кўради, қийин дамларда эса уларга суянчиқ бўлади. Сабр-бардоши, вазминлиги ва донишмандлиги билан жамоада соғлом маънавий муҳит шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Унинг ҳар бир сўзида ибрат, ҳар бир хатти-ҳаракатида тарбия бор. Шу сабабли уни нафақат билимдон олим, балки ҳаёт йўлида йўл кўрсатувчи мураббий сифатида ҳам қадрлайдилар.

Профессор Нафас Шодмонов миллий қадриятларимиз, она тилимиз ва адабиётимизга чексиз муҳаббат билан яшайди. Илмий фаолиятини ижодий фаолият билан муваффақиятли давом эттирмоқда. “Темурийлар даврида мусиқашунослик”, “Ҳожа Абдулқодир Марағий”, “Жон жавҳари”, “Аруз вазни асослари”, “Муаммо жанри ва уни ечиш амаллари”, “Мумтоз адабиёт тарихи” каби илмий рисолалар ва ўқув қўлланмаларини нашр эттирди. Шунингдек, Нафас Шодмоновнинг “Нуҳ кемаси”, “Қобил ила Ҳобил”, “Широқ”, “Нахшаб афсонаси”, “Оқсарой”, “Нажот дарвозаси” каби 20 дан зиёд тарихий ва замонавий мавзудаги драмалари республика театрларида саҳналаштирилган.

Нафас Шодмонов асарларининг бебаҳо маънавий қийматини англаган ҳолда Республика Маънавият ва маърифат маркази Қашқадарё вилояти бўлими томонидан “Жавоҳирот” китоби нашрга тайёрланиб, кенг ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган эди. Мазкур тўплама “Абу Муин Насафий” ҳамда “Абу Райҳон Беруний” драмалари ўрин олган.

Айниқса, “Абу Муин Насафий” драмаси асосида саҳналаштирилган спектаклни томашабинлар катта қизиқиш билан кутиб олишди. Унда Нафас Шодмонов алломанинг аҳли сунна вал-жамоа мазҳаби асосида пок ақида ва мусаффо исломга интилиш йўлидаги хизматларини рамзий-ишоравий услубларда маҳорат билан акс эттиради. “Жавоҳирот” асари улуғ аждодларимиз Абу Райҳон Беруний ва Абу Муин Насафий ҳақидаги маънавий бойликдир.

Биласиз, Қашқадарё заминидан юзлаб Насафий ва Кеший алломалар етишиб чиққан. Уларнинг муқаддас ислом дини, илм-фан, маданиятимиз ривожига қўшган ҳиссаси улкан. Аммо ушбу алломаларни ягона ном остида бирлаштирган тўплам йўқ эди. Нафас Шодмонов буюк алломаларимиз ҳақида “Насафий ва Кешийлар тазкираси” номли тўплам тайёрлаб, зиёлилар ҳукмига ҳавола этиш ниятида. Биргина шу эзгу ишданоқ олимнинг теран қараши, илмга иштиёқи, фидойилиги намоён бўлади.

“Дўстлик” ордени соҳиби, “Маънавият фидойиси” кўкрак нишони совриндори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, филология фанлари доктори, профессор Нафас Шодмоновнинг илмий ва адабий ижоди янада кенг миқёс олишига, халқимизни бебаҳо асарлар билан мамнун этишига тилакдошмиз.

Комила КАРОМОВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази Қашқадарё вилояти бўлими раҳбари, сенатор.

ИС ГАЗИ – КЎЗГА КЎРИНМАС ХАВФ

Куз-қиш мавсумида ҳаво ҳароратининг пасайиши билан аҳоли томонидан иситиш мосламалари, газ печлари ва бошқа иситиш ускуналаридан фойдаланиш кўпаяди. Бу эса ис газидан заҳарланиш ҳамда газ-ҳаво аралашмаси чақнаши билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар хавфини оширади.

Ис гази инсон ҳаёти учун ўта хавфли бўлиб, у рангсиз ва ҳидсиз экани сабабли кўпинча сезилмайди. Шу боис, ундан заҳарланиш ҳолатлари жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ис гази, асосан, табиий газ ва бошқа ёқилғи моддаларининг тўлиқ ёнмаслиги натижасида ҳосил бўлади. Носоз газ ускуналари, дудбуронларнинг тиқилиб қолиши, хоналарда ҳаво айланишининг етарли эмаслиги бундай хавфнинг асосий сабабларидан ҳисобланади. Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун газ ускуналаридан фақат соз ҳолатда фойдаланиш, иситиш мосламаларини ўзбошимчалик билан таъмирламаслик, дудбурон ва вентиляция каналларининг ишлаш ҳолатини мунтазам текшириб туриш, газ ёқилган хоналарда ҳаво алмашинувини таъминлаш, газ плитасидан хонани иситиш мақсадида фойдаланмаслик каби хавфсизлик қоидаларга амал қилиш жоиз.

Газ ҳиди сезилганда электр жиҳозларини ёқиш ёки ўчириш мумкин эмас.

Унутманг, хавфсизлик қоидаларига амал қилиш ҳар бир инсоннинг ҳаёти ва саломатлигини асрашда муҳим аҳамиятга эга.

С. ТУРДИЕВ,
Фарғона вилояти ҳокимлиги Расмий қабуллар уйи давлат муассасаси биноларида Фавқулодда вазиятлар бўлинмаси инспектори, капитан.



Qishloq hayoti

MUASSISLAR:
O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi kompleksi tarkibidagi hamda boshqa daxldor vazirlik va idoralar.

Bosh muharrir:
Chori LATIPOV

Tahrir hay’ati:
Ibrohim ABDURAHMONOV, Shavkat HAMROYEV, Narzullo OBLOMURODOV, Eshmirza ABDUALIMOV, Habib TEMIROV, Raimqul SUYAROV *(bosh muharrir o‘rinbosari).*

O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 2009-yil 13-fevralda № 0020-raqam bilan ro‘yxatdan o‘tkazilgan.
Hajmi 2 bosma taboq. Ofset usulida bosildi, qog‘oz bichimi A-2. Nashr indeksi – 144.
Buyurtma G-1117. 2010 nusxada chop etildi.
Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dizayner: Marks YUSUPOV.

Tahririyat manzili:
Toshkent viloyati Qibray tumani, Universitet ko‘chasi, 2-uy.
Telefonlar: +998 77-080-43-70, +998 99-050-69-45.
Reklama va e’lonlar – (998 90) 317-19-16.
E-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Bahosi kelishilgan narxda.
Gazeta “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Bosmaxona manzili: “Buyuk Turon” ko‘chasi, 41-uy. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021

Bosishga topshirish vaqti: 21.00
Bosishga topshirildi: 19.30